Ё Расулуллоҳ, мен нимаики гуноҳ бўлса ҳаммасини қилганман. Шу гуноҳларим мағфират этиладими?"- деб сўради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Сен, Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқдир. Муҳаммад Аллоҳнинг элчисидир, дея гувоҳлик бермаганмисан?

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Бир одам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларига келиб: "Ё Расулуллоҳ, мен нимаики гуноҳ бўлса ҳаммасини қилганман. Шу гуноҳларим мағфират этиладими?"- деб сўради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Сен, Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқдир. Муҳаммад Аллоҳнинг элчисидир, дея гувоҳлик бермаганмисан?", - деб уч марта такрорладилар. У одам: "Ҳа (гувоҳлик берганман)", - дегач: "Шу нарса у (гуноҳ)ларни ювиб кетади", - дедилар.

[Саҳиҳ] [Абу Яъло, Табароний ва Зиё Ал-Мақдисий ривояти]

Бир одам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларига келиб: "Ё Расулуллоҳ, мен қандай гуноҳ бўлса ҳаммасини қилганман. Мен кечириламанми?",- деб сўраб қолди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Сен "Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ ва Муҳаммад Аллоҳнинг элчисидир! дея гувоҳлик бермаганмисан"- дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу гапни уч марта такрорладилар. Ҳалиги одам: "Ҳа, гувоҳлик берганман",- деди. Натижада, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам икки шаҳодат калимасининг фазилати, гуноҳларга каффорат бўлиши, ҳамда тавба ўзидан аввалги гуноҳларни қуритиб ташлашидан дарак бердилар.

http://sunnah.global/hadeeth/uz/show/65006